

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАРДА КЎРИШ ПАСАЙИШИНING АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ТУҒРИСИДА

Курбаназаров М., Абдуллаева Н.

Қорақалпоғистон тиббиёт институти, Нукус ш.

Долзарблиги. Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи болаларда кўриш қобилияти пасайишининг асосий сабаблари Оролбўйи ҳудудидаги ноқулай экологик омиллар, чанг-тўзонлар, камқонлик (анемия) даражасининг юқорилиги ва гаджетлардан меъёрдан ортиқ фойдаланиш билан узвий боғлиқдир. Катта ёшдаги аҳоли билан болалар орасидаги касалликлар структураси тубдан фарк килади. Болалик даврда бошланган айрим касалликлар келажакда кўрув функцияларинг пасайишига ва асоратларга олиб келади.

Мақсади. Мактаб ўқувчилари орасида кўзи ожизлик сабабларини аниқлаш ва динамикасига баҳо бериш

Материал. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими»нинг 2020-2023 йиллар буйича статистик маълумотлари таҳлил қилинди.

Ўрганиш натижалари ва муҳокама. Умумий кўз касалликлари да нотекис ўсиш (2020-йилдаги 3832 нафардан 2021 йилда 4824, 2022 йилда 4386, 2023-йилда 4464га ўзгарган) мавжуд, 0-17 ёш болалар орасида 2020 йилдан (317) 2023 йилгача (557) даврда 1,7 баробарга ўсган. Статистик маълумотларга кўра болаларда кўзнинг ташқи пардаси яллиғланишлар, жароқатлари ва туғма катаракталар нисбатан юқори кўрсаткичларда сақланиб қолмоқда.

Шуларнинг ишида рефракция касалликлари усувчи характерда булиб 4 йил ичида 1,05 баробарга, миопик рефракция нотекис 1,1 баробарга, (2022 йили 2,5 баробар) купайган. Миопиянинг 2022 йилдаги 2,5 баробарлик сакрашига сабаб коронавирус пандемиясидан кейинги гаджетлардан кўп фойдаланиш

ёки скрининг сифати ошгани) муҳокама қисмида алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Ушбу минтақада болалар кўриш тизимига салбий таъсир этувчи асосий омиллар ва касалликлар соҳалар бўйича қуйидагича таснифланади:

Экологик ва иқлим омиллари-Орол денгизининг қуриган тубидан кўтарилувчи майда тузли чанг зарралари болалар кўзининг шиллиқ қаватини (конъюнктива) доимий равишда зарарлайди ва сурункали яллиғланишни келтириб чиқаради. Кўз ёши пардасининг тез қуришига (сурункали қуруқ кўз синдроми) сабаб бўлади, бу эса кўриш ўткирлигига салбий таъсир қилади. Ичимлик суви таркибида минераллар ва тузларнинг ҳаддан ташқари кўплиги умумий модда алмашинувини бузиб, кўз тўқималари озикланишини ёмонлаштиради.

Экологик омиллар соматик касалликлар ва овқатланиш муаммоларини келтириб чиқаради, натижада минтақадаги болалар орасида анемия кўрсаткичи жуда юқори. Қонда гемоглобин етишмаслиги кўз тўр пардаси (сетчатка) ва кўрув нервининг кислород билан етарлича таъминланмаслигига (гипоксия) олиб келади.

Рационда кўриш учун зарур бўлган А, Е, С витаминлари ва рух (цинк) моддасининг етишмаслиги авитаминоз ва микроэлементлар танқислигини келтириб чиқаради, кўзнинг ривожланишини секинлаштиради.

Мактаб ёшидаги болаларда ўқиш юкламаси ва мактабларда ёритилганлик даражасининг пастлиги сабабли тез ривожланади.

Туғма ёки эрта болалик даврида аниқланмаган рефракция нуқсонлари вақтида коррекция қилинмаса, амблиопия («танбал кўз») синдромига айланади.

Замонавий ва гигиеник омиллардан смартфон ва компьютер экранларига узоқ вақт тикилиш кўз мушакларининг спазмига (ёлғон миопия) олиб келади. Аҳоли орасида тиббий кўрикдан кеч ўтиш натижасида касалликлар кечки босқичларда аниқланади.

Хулоса

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, умумий кўз касалликлари билан касалланиш кўрсаткичларида динамик ўзгаришлар ва нотекис ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, умумий касалланиш ҳолатлари 2021 йилдаги 3832 тадан 2023 йилга келиб 4464 тагача ошган бўлиб, энг юқори кўрсаткич 2022 йилда (4386 та) қайд этилган.

Алоҳида аҳамиятли жиҳати шундаки, 0-17 ёшли болалар ўртасидаги касалланиш даражаси 2020 йилдан (317 та) 2023 йилгача (557 та) бўлган даврда 1,7 баробарга ортган. Статистик таҳлиллар болалар ўртасида кўзнинг ташқи пардаси яллиғланиши, жароҳатлари ва туғма катаракталар тўлқинсимон шаклда ўсиб бораётганини кўрсатди. Шунга қарамай, рефракция аномалиялари, айниқса миопия барқарор ўсувчи характерга эга. Тўрт йил ичида рефракция касалликлари 1,05 баробарга, миопик рефракция эса нотекис равишда 1,1 баробарга кўпайган (энг юқори сакраш 2022 йилда кузатилиб, 2,5 баробарни ташкил этган).

Бу ҳолат болалар орасида офтальмологик скрининг тизимини кучайтириш ва рефракция бузилишларини эрта олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни талаб этади